

# TOSHKENT HAQIQATI

2026-yil  
25-aprel  
SHANBA  
№ 33 (13894)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline\_24 Haqiqat online haqiqatonline\_

## ЭЪТИБОРНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ



### ▼ Мактабгача таълим



Жамият тараққитининг энг муҳим пойдевори бу сифатли таълим тизими ҳисобланади. Айниқса, мактабгача таълим босқичи боланинг шахс сифатида шаклланиши, фикрлаш қобилияти, ижтимоий кўникмалари ва ижодий салоҳиятини ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис сўнгги йилларда мамлакатимизда мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, уни ривожлантириш, қамровни кенгайтириш ва халқаро стандартларга яқинлаштириш борасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда.

Биргина Тошкент вилояти мисолида оладиган бўлсак, мазкур йўналишда ҳудудда олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида инфратузилма яхшиланиб, қамров даражаси ортмоқда.



## KELAJAK STRATEGIYASI VA IMKONIYATLAR YO'LI

Prezident Shavkat Mirziyoyev joriy yil 20-aprelda "Yangi O'zbekiston yoshlari - 2030" strategiyasi loyihasi taqdimoti bilan tanishdi. Mazkur hujjat mamlakatimizda yoshlarga oid davlat siyosatini mutlaqo yangi bosqichga olib chiquvchi, ilk bor yaxlit va uzoq muddatli yondashuvni belgilab beruvchi dastur sifatida muhim ahamiyat kasb etadi.

### ▼ Munosabat

Bugungi kunda O'zbekiston aholisi 38 million nafarga yaqin bo'lib, shundan qariyb 9,5 millionini 14-30 yoshlilar tashkil etadi. Har yili 270 mingta yangi oila vujudga kelayotgani esa yoshlar siyosatiga tizimli va strategik yondashuvni talab qilmoqda.

Shu nuqtai nazardan, Yoshlar ishlari agentligi tomonidan ishlab chiqilgan "Yangi O'zbekiston yoshlari - 2030" strategiyasi 8 ta ustuvor yo'nalishni qamrab olgan bo'lib, ular yoshlarning har tomonlama rivojlanishiga xizmat qiladi.

Strategiya doirasida yoshlar bandligini ta'minlash va tadbirkorligini qo'llab-quvvatlash ustuvor vazifa sifatida belgilangan. Jumladan, 600 ming nafar yoshni ish bilan ta'minlash, ularni iqtisodiyotning faol ishtirokchisiga aylantirish ko'zda tutilgan. Bu orqali yoshlar nafaqat ish izlovchi, balki ish o'rnlari yaratuvchi kuchga aylanishi kutilmoqda.

Ayniqsa, chekka hududlarda ham xususiy ta'limni rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Soliq imtiyozlari va moliyaviy ko'maklar orqali zamonaviy bilim olish imkoniyatlari kengaytiriladi. Bundan tashqari, xorijiy tillarni o'rganishni rag'batlantirish ham muhim yo'nalishlardan biri. Xalqaro sertifikatlariga ega bo'lgan yoshlar uchun davlat xizmatlari va tadbirkorlik sohasida imtiyozlar joriy etilishi ularning global maydonda raqobatbardoshligini oshiradi.

Yosh oilalarni qo'llab-quvvatlash maqsadida ipoteka dasturlari kengaytirilib, har yili minglab oilalarga moliyaviy yengilliklar yaratiladi. Bu esa ijtimoiy barqarorlikni ta'minlashga xizmat qiladi.

Volontyorlik harakatini rivojlantirish orqali 2030-yilga qadar 900 ming nafar yoshni ijtimoiy faollikka jalb etish rejalashtirilgan. Bu tashabbus yoshlarda fuqarolik mas'uliyatini shakllantiradi.

Yoshlar salomatligini mustahkamlash, ruhiy xavf omillarini kamaytirish va sog'lom turmush tarzini qaror toptirish ham strategik vazifalar qatorida. Shuningdek, davlat boshqaruvida yoshlar ishtirokini kengaytirish maqsadida yangi mexanizmlar joriy etilib, bu borada ertamiz egalarining fikri va takliflari muntazam inobatga olinadi.

Xalqaro hamkorlikni kuchaytirish esa yoshlar uchun yangi imkoniyatlar eshigini ochadi. Xususan, nufuzli xalqaro tashkilotlarda amaliyot o'tash imkoniyatlari ularning bilim va tajribasini yanada boyitadi.

"Yangi O'zbekiston yoshlari - 2030" strategiyasi yoshlar istiqboliga yo'naltirilgan mustahkam yo'l xaritasidir. Ushbu yo'nalishlar izchil amalga oshirilsa, yurtimiz yoshlari yanada bilimli, tashabbuskor, vatanparvar avlod sifatida shakllanadi.

Eng muhimi, ular Yangi O'zbekiston taraqqiyotining hal qiluvchi kuchiga aylanadi.

**Bahrom NORMATOV,**  
Yuqori Chirchiq tumani

## Маданият ХОДИМЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНДИ

Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройида Маданият ва санъат ходимлари куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда вилоят ҳокимлиги мутасаддилари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, таниқли санъаткорлар, ижодкор зиёлилар, ёш истеъдодлар ҳамда кўп йиллик меҳнат фаолияти билан эл-юрт хурматини қозонган соҳа фахрийлари иштирок этишди. Қайд этиш жоиз, турли авлод вакиллари бир саҳна атрофида жамланган мазкур тадбир ўзига хос маънавий кўприк вазифини ўтади.

Тадбир аввалида вилоят ҳокими Зойир Мирзаев сўзга чиқиб, байрам

муносабати билан маданият ва санъат соҳаси ходимларини самимий кутлади. У ўз нутқида маданиятни миллатнинг ўзлигини белгилайдиган, унинг тарихий хотираси ва маънавий қадриятларини ифодаловчи муҳим омил сифатида эътироф этди.

Шунингдек, вилоят раҳбари сўнгги йилларда мамлакатимизда маданият ва санъатни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, янги маданият масканлари барпо этилаётгани, мажмудалари реконструкция қилинаётгани, ижодкорлар учун яратилаётган шароитлар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

(Давоми 4-саҳифада)

### ▼ Эътиром



## Вилоят бо'йлаб

Вилоят ҳокими Зойир Мирзаев CHINOZ tumanini Yangi O'zbekiston qiyofasidagi hududga aylantirish bo'yicha rejalashtirilgan istiqbolli loyihalar bilan tanishdi. Tumanning ijtimoiy-iqtisodiy ahvoli tahlil qilindi. Galdagi rejalar bo'yicha mutasaddilarga aniq ko'rsatma va yo'l-yo'riqlar berildi.

NURAFSHON shahrida tibbiyot xodimlari o'rtasida "Sog'lom tanda - sifati tibbiyot" shiori ostida "Kasaba uyushmasi kubogi" sport musobaqalari bo'lib o'tdi. "Besh tashabbus olimpiadasi" doirasida o'tkazilgan musobaqada jamoalar mini-futbol, shaxmat, shaxka, stol tennis va voleybol bo'yicha o'zaro bellashishdi. Musobaqa g'oliblariga diplom va esdalik sovg'alari topshirildi.

Milliy gvardiya Toshkent viloyati bo'yicha boshqarmasida o'quvchi-yoshlar o'rtasida "Jasorat uchunlari" harbiy-vatanparvarlik va sport musobaqasining viloyat bosqichi yakunlandi. Yakuniy natijalarga ko'ra, 1-o'rinni qo'lga kiritgan TOSHKENT tumanidagi 9-maktabning jasorat sinfi jamoasi musobaqaning bosh sovrini - kubok bilan taqdirlandi va respublika bosqichiga yo'llanmani qo'lga kiritdi.

CHIRCHIQ shahridagi "Kimyogarlar" madaniyat saroyida sayyor qabul o'tkazildi. Unda fuqarolarning murojaatlari tinglanib, mavjud muammolarni hal etish bo'yicha aniq vazifalar belgilandi. Shuningdek, shahardagi ijtimoiy obektlar, jumladan, 20-sonli ko'p tarmoqli ixtisoslashtirilgan maktabgacha ta'lim tashkilotida amalga oshirilayotgan ishlar joyiga chiqib o'rganildi.

## Ўзбек болалар адабиёти дунё нигоҳида

### ▼ Халқаро фестивалъ



Германиянинг пойтахти Берлин шаҳридаги Араб маданият уйида халқаро болалар китоб фестивали ўтказилди.  
(Давоми 4-саҳифада)

### ▼ Танлов

## МУТОЛАА БИЛИМДОНЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Юртимизда ёшларни китобхонликка кенг жалб этиш, ularning интеллектуал салоҳиятини ошириш ва маънавий дунёқарашини бойитишга қаратилган ишлар изчил давом этмоқда.

Айниқса, китоб мутлоасига бўлган қизиқишини ошириш, ёш авлодни маърифатли ва билимдон қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ўз самарасини бермоқда. "Ёш китобхон" республика танлови ҳам шундай эзгу мақсад йўлида ташкил этилиб, йилдан-йилга нуфузи ортиб, минглаб ёшларни бирлаштирмоқда. Нурафшон шаҳридаги Ёшлар марказида танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.


# Миллий ва замонавийлик туташган манзил

Чирчиқ давлат педагогика университетда куни кеча ўтказилган халқаро “Тасвирий ва амалий санъат фестивали” нафақат вилоят, балки республика маданий ҳаётида муҳим воқеага айланди. Анъанавий фестивал ижодкор ёшлар, талаба ва устозларни бир майдонга жамлаб, мамлакатимизда тасвирий ва амалий санъатни ривожлантириш, ёш авлоднинг ижодий салоҳиятини юзага чиқариш ҳамда миллий хунармандчилик анъаналарини кенг тарғиб этишга хизмат қилди.

## ▼ Анжуман

Очилиш маросимида сўзга чиққанлар, лойиҳанинг аҳамиятига алоҳида тўхналиб, бир неча йил аввал оддий санъат ҳафталиги сифатида бошланган ташаббус бугунги кунда халқаро даражадаги йирик анжуманга айланганини таъкидладилар. Бу эса юртимизда маданият ва санъат соҳасига берилган эътибор, ижодкорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотларнинг амалий натижасини кўрсатади.

Фестиваль доирасида кўчма кўргазмалар, маҳорат дарслари, ижодий учрашувлар ҳамда ёшлар ўртасида кўрик-танловлар



ташкил этилди. Ушбу тадбирлар иштирокчиларга нафақат ўз иқтидорини намойиш этиш, балки ўзаро тажриба алмашиш, янги ғоялар билан ўртоқлашиш имконини берди.

— Биз амалий санъатнинг ёғоч уймақорлиги йўналишида иштирок этиялмиз, — дейди Чирчиқ шаҳридаги 3-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Акмал Собирхонов. — Ўзим билан

энг иқтидорли уч нафар шогирдимни олиб келдим. Улар турли шакл ва ўлчамдаги ёғочларга ишлов беришни яхши ўзлаштиришган. Биз турли кўргазма ва фестивалларда мунтазам қатнашиб келамиз. Бу ўқувчиларнинг тажрибаси ошишида муҳим аҳамият касб этади. Бугунгидек йирик фестиваллар эса улар учун том маънода илҳом манбаи бўлади. Иштирокчиларнинг



ижодий ишлари ҳақамлар ҳайъати томонидан баҳоланди. Ғолиблар Ўзбекистон Бадиий академиясининг олтин, кумуш ва бронза медаллари, диплом ҳамда вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шунингдек, ёш авлоднинг тарбиялаш ва уларда санъатга муҳаббатни шакллантириш йўлида самарали меҳнат қилаётган устозлар ҳамда маҳорат дарслари ўтган ижодкорлар ҳам алоҳида эътироф этилди.

— Фестиваль юқори даражада ўтди, — дейди олтин медал соҳиб, қиёралик Фарзона Ибрагимова. — Бу ерда нафақат ўз ишларимни намойиш этдим, балки бошқа иқтидорли ёшлар ижоди билан танишиб, улардан кўп нар-

са ўргандим. Миниатюра санъатини ривожлантиришда бундай анжуманлар муҳим аҳамиятга эга. Бугун мени қўллаб-қувватлаётган ота-онам ва устозларимга раҳмат айтаман. Келгусида янада юқори натижаларга эришиш йўлида изланаман.

Шу куни университет талабаларининг “Юртим жамоли — ранглар жилосида” номли рангасвир асарлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Унда турли жанр ва услубларда яратилган асарларда Ватан гўзаллиги, табиат манзаралари, миллий қадриятлар ва оддий ҳаёт тарзи расмларда ифодоланди. Бу орқали ёш ижодкорларнинг кенг дунёқарши ва санъатга муносабати намойиш бўлди.

Икки кун давом этган фестивал иштирокчилар ва меҳмонларда илиқ таассуротлар қолдирди, санъат аҳлини ақинлаштириб, янги ижодий ҳамкорликлар учун замин яратди.

**НОЗИМА РАСУЛОВА,**  
“Тошкент ҳақиқати” мухбири  
Меҳридин ИБРАГИМОВ  
олган суратлар

# ЭЪТИБОРНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ



Бугунги кунда вилоятда 3-7 ёшли болалар сони 247 минг 521 нафарни ташкил этиб, шундан 198 минг 778 нафари мактабга-ча таълим ташкилотларида тарбияланмоқда. Бу эса умумий қамров даражаси 80 фоизга етганини кўрсатади. Эътиборлиси, маъзур кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,7 фоизга ошган.

Ҳозирда вилоятда жами 2,3 мингта яқин мактабга-ча таълим ташкилоти фаолият юритмоқда. Уларнинг 596 таси давлат, 1 минг 501 таси оилавий, 143 таси хусусий, 58 таси давлат-хусусий шерикчилик асосидаги боғчаларни ташкил этади. Бу рақамлар хусусий секторнинг соҳага кенг жалб этилаётгани, рақобат муҳити шаклланиётгани ва хизматлар сифатининг ошишига замин яратилганидан далolat бермоқда.

Худудлар кесимида оладиган бўлса, энг юқори кўрсаткичлар Оҳангарон (110,4 фоиз), Нурафшон (98,1 фоиз) ва Ангрен (93,9 фоиз) шаҳарларида қайд этилган.

Жорий йилда болажонларни мактабга-ча таълимга қамровини янада ошириш мақсадида янги боғчалар қурилиши режалаштирилган. Жумладан, Бўстонлик туманининг “Чимбойлик” ҳамда Тошкент туманининг “Сабзавот” маҳаллаларида 90 ўринли, Янгийул шаҳрининг “Янгиҳаёт” маҳалласида эса 120 ўринли янги боғчалар фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Бу лойиҳалар аҳоли эҳтиёжини қондириш ва худудлар ўртасидаги номутаносибликни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Қолаверса, вилоятда соҳа жойларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ва замонавий педагогик технологиялар билан таништиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Малакали мутахассислар иштирокида мунтазам ўқув семинарлари ва тренинглари ташкил этилган. Ҳозирда вилоятда маъзур тизимда жами 9 минг 271 нафар педагог фаолият юритаёт-

ган бўлиб, шундан 3 минг 667 нафари олий, 5 минг 604 нафари эса ўрта махсус маълумотга эга.

Сўнгги йилларда худудда соҳани янада ривожлантириш мақсадида таълим тизими кучли мамлакатлар тажрибалари жорий этилмоқда. Хусусан, Хитой Халқ Республикасининг Анжи шаҳри тажрибаси ўрганилиб, унинг асосида “Anji play” методикаси жорий этилди. Ушбу ёндашув боланинг эркин ўйин орқали табиий ривожланишини таъминлашга қаратилган бўлиб, Тошкент туманидаги 12-ДМТТ ва Чиноз туманидаги 9-ДМТТда тажриба майдонлари яратилган.

Шунингдек, халқаро ҳамкорлик доирасида Чирчиқ шаҳридаги 10 та давлат мактабга-ча таълим ташкилотларида Хитойнинг Гуанчжоу провинцияси билан ҳамкорликда “International Chinese Language Study Tour” дастури амалга оширилмоқда. Дастур доирасида болажонларга 11 турдаги АРТ ва рассомчилик, конструкторлар, тўқиш (ноодатий услублардан фойдаланиб, тўқув дастоҳларида), ошпаз, сартарош, тиббиёт ходими, спортчи, қурувчи, архитектор-дизайнер, робототехника, гиламдўзлик ва кулпочилик касблари ҳақидаги илк тасавурларни шакллантириш мақсадида тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган.

Мухтасар айтганда, Тошкент вилоятда мактабга-ча таълим тизимини ривожлантириш борасида олиб борилаётган изчил ислохотлар ўзининг амалий натижаларини бермоқда. Боғчалар сонининг ортиши, қамров даражасининг сезиларли кўпайиши, хусусий сектор иштирокчилиги кенгайиши ҳамда замонавий таълим методикаларининг жорий этилиши — буларнинг барчаси соҳада сифат жиҳатдан янги босқичга чиқарилаётганини кўрсатади. Энг муҳими, бундай сайё-ҳаракатлар келажак авлоднинг ҳар томонлама баркамол, билимли ва ижодкор бўлиб вояга етиши учун мустақкам замин яратмоқда.

**ЗУХРИДДИН РАҲМОНОВ,**  
“Тошкент ҳақиқати” мухбири



## КЎП ТАРМОҚЛИ ЛОГИСТИКА МАРКАЗИ ташқи савдо алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилади

Оҳангарон тумани ҳокими Баҳром Норқобилов Хитойнинг “Hebei International Land Port” компанияси вакиллари қабул қилиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ва инвестицион имкониятларни кенгайтириш масалалари бўйича музокара олиб борган эди.

### ▼ Ҳамкорлик

Куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги музокараларда икки томонлама ҳамкорлик юзасидан аниқлашув меморандуми имзоланди.

Эслатиб ўтамиз, компания вакиллари томонидан маъзур туманда замонавий ва кўп тармоқли йирик логистика марказини йўлга қўйиш бўйича истиқболли лойиҳа илгари сурилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида темир йўл ва автойўл



логистика инфратузилмасини шакллантириш, боғжона терминали, савдо уйлари, меҳмонхона ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш объектларини қуриш режалаштирилган.

Маъзур ташаббус худуднинг транзит салоҳиятини ошириш, ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

**Тошкент вилояти ҳокимлиги**  
Ахборот хизмати

### ▼ Семинар

Зангиота туманида энергия ресурсларидан оқилонга фойдаланиш, уларни тежаш ва самарадорликни оширишга қаратилган семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда маҳаллий ҳокимият вакиллари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, энергетика соҳаси мутахассислари ҳамда олий таълим муассасалари вакиллари ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

Семинарда замонавий энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, шунингдек, мавжуд инфратузилмани модернизация қилиш масалалари атрофида муҳокама қилинди. Мутахассислар томонидан энергия самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган илғор ёндашувлар, амалиётда ўзини оқлаган технологиялар ҳамда иқтисодий жиҳатдан самарали ечим-

## ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ГАРОВИ



лар юзасидан батафсил маълумотлар берилди.

Шу билан бирга, энергия сарфини камайтириш, экологик барқарорликни таъминлаш ва ресурслардан тежамкор фойдаланиш борасида амалий тавсиялар билдирилди.

Тадбир якунида энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича ҳамкорликни янада кучайтириш, жойларда амалий ишлар кўламини кенгайтириш муҳим экани таъкидланди.

**Ўз мухбиримиз**

### ▼ Тажриба

Бекобод туманида шоликор фермерлар иштирокида “Шоли етиштиришнинг интенсив технологияси” мавзусида Жанубий Кореянинг “КОПИА” маркази билан ҳамкорликда ўқув семинари ташкил этилди.



Соҳа мутахассислари, фермерлар ҳамда илмий ходимлар иштирок этган тадбирда замонавий технологиялар асосида шоли етиштиришнинг самарали усуллари муҳокама қилинди.

Дастлаб туман ҳокимининг қишлоқ ҳўжалиги масалалари бўйича уринбосари Шўхрат Ҳайдаров меҳмонларни таништирди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Пак Виктор

Николаевич сўзга чиқиб, мамлакатимизда шоличилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, тармоқни модернизация қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда фермерларни қўл-

лаб-қувватлаш борасидаги давлат сиёсати алоҳида тўхталиб ўтди.

Шоличилик илмий-тадқиқот институти директори Абдулло Мансуров соҳада олиб борилаётган ил-

технологияси” мавзусида тақдимот ўтказиб, юқори сифатли уруғлик етиштириш, селекция жараёнлари, механизация даражаси ва ҳосилдорликни оширишга қаратилган инновацион ёндашувларни батафсил тўшунтиришди.

Семинарда туман шоликор фермерлари Корея технологиясига катта қизиқиш билдириб, уни маҳаллий шароитда жорий этиш имкониятлари юзасидан саволларига мутахассислардан жавоб олдилар ҳамда амалий тавсиялар билан танишдилар.

**Тошкент вилояти ҳокимлиги**  
Ахборот хизмати

# ШОЛИ ЕТИШТИРИШНИНГ ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯСИ

# МУТОЛАА БИЛИМДОНЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Жорий йилги саралаш босқичларида вилоят бўйича уч тоифа – 10-14, 15-19 ва 20-30 ёшлар орасида жами 56 минг 385 нафар китобсевар иштирок этиш истагини билдирди.



Унда иштирокчилар "Бадий асарлар билимдони" ҳамда "Тезкор савол-жавоб" шартлари асосида ўз билимларини намояндалашди.

– Вилоятимизда йил сайин ёш китобхонлар сафи кўпайётгани қувонарли, – дейди вилоят Ёшлар (Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада)

ишлари бошқармаси бошлиғи Нодир Ҳожиёв. – Айниқса, жорий йилнинг февраль ойида Президентимизнинг ёшлар билан мулоқотида сўнг йигит-қизлар ўртасида мутолаага қизиқиш янада ортди.

диглар берилади. Эътиборлиси, "Ёш китобхон оила" танловида эса голиб бўлган чирчиқлик оиланинг давлатимиз раҳбари томонидан тақдирланиши кўпчиликка мотивация берди.

Натижаларга кўра, 10-14 ёш тоифасида Бекобод туманидан Одинахон Сувоқуллова, 15-19 ёш тоифасида Паркент туманидан Меҳрибон Холдурова, 20-30 ёш тоифасида эса Олмалиқ шаҳридан Озода Юнусова голиб бўлиб, республика босқичига йўлланмани кўлга киритишди.

– Бу танловда илгари ҳам қатнашганман, – дейди Одинахон Сувоқуллова. – Лекин бу йилги натижаларим анча яхши бўлди. Берилган шарт ва саволларга пухта тайёргарлик кўрдим. Муҳими, янги дўстлар билан танишдим. Ютуғимдан ота-онам ва яқинларим жуда хурсанд бўлишди. Танловнинг республика босқичида ҳам муносиб иштирок этишга ҳаракат қиламан.

Яқунда голиб ва совриндорлар тақдирландилар.

**Нигора УРОЛОВА,**  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири  
Муаллиф оланг сурат

## Одабийлик шеvasи

# Китобга бахшида умр



**Кутубхона – жамиятнинг маънавий юраги, билим ва тафаккур манбаи ҳисобланади. Унда жамланган билимлар авлодлар ўртасида кўприк вазифасини ўтайди. Ана шу улкан маънавий тизимни ҳаракатга келтирувчи куч – кутубхоначи ва кутубхоначилик ва библиографлардир. Улар фақат китоб сақловчи эмас, балки китоб билан инсон ўртасида маънавий кўприк қурувчи фидойи зиёлилардир.**

Зухра Бердиева бутун ҳаётини кутубхоначилик ва библиография илмини ривожлантиришга бағишлаган етук мутахассислардан.

Ўзбекистонда кутубхоначилик ва библиография соҳаси узок тарихга эга бўлса-да, унинг илмий жиҳатдан ўрганилиши, соҳа вакиллари фаолиятини кенг ёритиш борасида айрим бўшлиқлар мавжуд. Шу маънода Зухра Бердиева фаолияти нафақат амалий кутубхоначилик, балки соҳа тарихини ёритишда ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Унинг касбий йўли 1974 йилда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг кутубхоначилик факультетига ўқишга кириши билан бошланди. Бу давр мамлакатда кутубхоначилик соҳасини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим палла эди. З.Бердиева 1978 йилда институтни тамомлагач, шу даргоҳда ўқитувчи бўлиб қолди. У илмий фаолиятининг илк босқичларида китоб ва кўлэмалар билан ишлаш маданиятини чуқур ўрганди. Айниқса, Абдулла Қаҳҳорнинг шахсий кутубхонаси ва архив материаллари билан ишлаб, илмий дунёқарашини янада кенгайтирди. У шу жараёнда адабиётшунос Кибриё Қаҳҳорова билан яқин ҳамкорлик қилди. Бу муҳит унга нафақат касбий, балки маънавий жиҳатдан ҳам катта мактаб бўлди.

1987 йилда Абдулла Қаҳҳор уй-музейини ташкил этиш ишлари бошланганда, Зухра Бердиева жараёнинг энг фаол иштирокчиларидан бўлди.

У музей фондиди шакллантириш, адибнинг шахсий кутубхонасини тизимлаштириш ва каталоглаштириш борасида кўп меҳнат қилди. Шу орқали у нафақат кутубхонашунос, балки манбашунос сифатида ҳам ўзини намоян этди. Унинг "Абдулла Қаҳҳор библиографияси" мавзусидаги илмий иши эса қаҳҳоршуносликда муҳим янгилик сифатида эътироф этилди.

Дарҳақиқат, Зухра Бердиеванинг илмий мероси жуда салмоқли. У томонидан яратилган библиографик кўрсаткичлар ва биобиблиографиялар Ўзбекистонда ва халқаро миқёсда соҳа ривожини учун муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, "Алишер Навоий библиографияси", "Абдулла Қаҳҳор библиографияси", "Ойбек биобиблиографияси", "Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар библиографияси" каби асарлари илмий тадқиқотчилар учун ишончли манба вазифасини ўтайди. Шунингдек, у томонидан тайёрланган ўқув кўлланма ва дарсликлар ҳам кутубхоначилик таълимида муҳим ўрин тутди.

Унинг 130 дан ортик илмий мақолалари ва 30 дан зиёд китоблари соҳа муаммолари, китобхоначилик маданияти, ахборот технологиялари ва кутубхона тизимини ривожлантириш масалаларига бағишланган. У "Кутуб-

хона – тараққиёт бешиги", "Китоб – энг яхши ўқитувчи", "Мутолаа маданияти ва ёшлар тарбияси" мавзуларидаги ишлари билан кенг жамоатчилик эътиборини қозонган.

Зухра Бердиева фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати – таълим тизимига фаоллиги. У кўп йиллар давомида Тошкент давлат маданият институти, Тошкент ахборот технологиялари университети ва бошқа таълим муассасаларида талабаларга дарс бериб келди. Шогирдлари орасида бугунги кунда фан докторлари, профессорлар ва йилри кутубхона муассасалари раҳбарлари бор. Бу эса унинг педагогик фаолиятининг самарасини яққол кўрсатади.

Қайд этиш жоиз, З.Бердиева амалий фаолиятда ҳам жонқуяр ташаббускор сифатида танилган. Маҳаллаларда кутубхоналар ташкил этиш, болалар боғчалари ва мактабларда китобхоначилик муҳитини шакллантириш, ёшларни мутолаага қизиқтириш борасида кўплаб амалий ишлар олиб борди. Унинг ташаббуси билан маҳаллаларда кутубхона тизимини ривожлантириш, китобхоначилик маданияти жамоатчилик ҳаётига чуқур кириб борди.

Ҳозирги кунда Зухра Бердиева Ўзбекистон Фанлар академияси Фундаментал кутубхонаси директори сифатида фаолият юритмоқда. У кутубхона ишини модернизация қилиш, рақамлаштириш, халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш ва янги ахборот технологияларини ишга солиш борасида кенг қўлламли ишлар олиб бормоқда. Шу билан бирга, ҳорижий кутубхоналар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб, тажриба алмашишга катта эътибор қаратмоқда.

**Вазира СОБИРОВА,**  
Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган маданият ходими

## Tibbiyot

So'nggi yillarda mamlakatimiz tibbiyotida amalga oshirilayotgan islohotlar aholi salomatligini muhofaza qilishda yangi bosqichni boshlab berdi. Ayniqsa, ixtisoslashtirilgan tibbiy xizmatlarning rivojlanishi, zamonaviy diagnostika uskunalarining joriy etilishi, yuqori malakali mutaxassislar tayyorlanishi tufayli ko'plab kasalliklarni erta aniqlash va samarali davolash imkoniyatlari kengaydi. Ushbu yutuqlar urologiya sohasida ham o'z samarasini ko'rsatmoqda.

Buyrak-tosh kasalligi bugungi kunda keng tarqalgan xastaliklardan biri hisoblanadi. Organizmda moddalarni almashinuvi (oqsillar, uglevodlar, yog'lar, mineralar) buzilishi natijasida buyrakda bir yoki bir nechta tosh hosil bo'ladi. Bular buyrak ishini izdan chiqarib, inson hayotini xavf ostida qoldirishi mumkin. Bunday paytda albatta shifokor-urologga murojaat qilish kerak bo'ladi.

Buyrak-tosh kasalligining kelib chiqishi xususida fanda juda ko'p qarashlar mavjud. Ushbu xastalikning paydo bo'lishiga tashqi muhit omillari – yomon havo, sifatsiz ichimlik suvi, noto'g'ri ovqatlanish kabilar sabab bo'lishi mumkin. Shuningdek, kam harakatlil turmush

# BUYRAK-TOSH KASALLIGI: SABABLAR, OQIBAT VA YECHIM

tarzi, stress holatlari, ayrim dori vositalarini nazoratsiz qabul qilish ham kasallik xavfini oshiradi.

Yana bir muhim sabab – peshob tarkibidagi mineralar muvozanatining buzilishidir. Xususan, kalsiy moddasining oshib ketishi buyrakda tosh hosil bo'lishiga olib keladi. Ushbu kasallikka chalingan bemorlarda kalsiy-magniy nisbati odatda yuqori bo'ladi. Bu esa mineral tuzlarning cho'kishini va tosh shakllanish jarayonini tezlashtiradi.

Kasallikning dastlabki belgilariga bel sohasida og'riq, peshob chiqarishda noqulaylik, ba'zan qon aralash peshob ajralishi kabi holatlar kiradi. Bunday alomatlar kuzatilganda o'zboshimchalik bilan davolanmasdan, tezda mutaxassisga murojaat qilish muhim ahamiyatga ega.

Bugungi kunda buyrak-tosh kasalligini davolashda zamonaviy usullar keng qo'llanilmoqda. Jumladan, ultratovush va lazer orqali toshlarni parchalash (litotripsiya), endoskopik jarrohlik usullari orqali kam shikast yetkazgan holda muammoni bartaraf etish imkoniyati mavjud. Bu esa bemorlarning tezroq sog'ayishi va aso-

ratlar kamayishiga xizmat qiladi.

Shu bilan birga, kasallikning oldini olish ham juda muhim. Buning uchun kundalik hayotda yetarli miqdorda suv iste'mol qilish, to'g'ri va muvozanatli ovqatlanish, ortiqcha tuz va oqsilli mahsulotlarni cheklash, faol hayot tarziga rioya qilish tavsiya etiladi. Profilaktik tekshiruvlardan muntazam o'tib turish ham kasallikni erta aniqlashda muhim omildir.

Muxtasar aytganda, buyrak-tosh kasalligi inson salomatligiga jiddiy xavf tug'diradigan, lekin o'z vaqtida aniqlansa va zamonaviy tibbiy imkoniyatlardan foydalanilsa, to'liq davolash mumkin bo'lgan xastalikdir.

Shu ma'noda, har bir inson o'z salomatligiga befarq bo'lmasligi, kasallikning ilk belgilaridayoq shifokorga murojaat qilishi va tibbiy tavsiyalarga qat'iy amal qilishi lozim. Chunki sog'liq – inson hayotining eng katta boyligi, uni asrash esa har birimizning kundalik mas'uliyatimizdir.

**Umidjon XOLIQULOV,**  
Piskent tumani ko'p tarmoqli markaziy poliklinika urolog-shifokori

Ҳаётни китоб десак, унинг энг қимматли саҳифалари – инсон тақдирида ёзилган ҳақиқатлардир. Айрим умрлар борки, улар нафақат яшалади, балки авлодларга ибрат бўлиб қолади. Нурафшон шахрининг энг кекса ва хурматли фахрийларидан бири Жўра ота Аҳмадуқулвонинг ҳаёти ана шундай кечмоқда. У кишининг 92 йиллик умрида тарих, меҳнат, сабр, энг муҳими – инсон қадри мужассам.

Бугун "Нуроний" жамғармаси Нурафшон шаҳар бўлими бошлиғи, халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг депутати, "Дўстлик" ордени ва "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони соҳиби Жўра ота Аҳмадуқулвон билан шаҳарнинг ўтмиши ва бугуни, инсон ва жамият муносабатлари ҳақида суҳбатлашдик.

– Ота-онам колхозда ишлашган, – дея суҳбатни бошлади ота-онани: "Деворларни ушлаб юрадиган бўлганимда олганман ҳужжатингни", деб кўп айтардилар. Демак, мен ҳужжатда 1935 йилда, аслида эса, 1934 йилда туғилган эканман. Болалигим ўзимдан уч ёш катта акам ва саккиз ёш катта олам билан бирга ўтган. Эсимда, 1941 йилнинг июль ойида мактабга бораман деб тайёргарлигим бошланган, юрагим тинмай типирчилаб юрган пайтлар эди. Отам билан Тошкентдаги "Пиёнбозор"да бир арава қовун сотдик ва мактабга киришим учун бош-оёқ сарпо олдик. Оқ кўйлак, шим ва туфли кўзларимга шунақанги порлаб кўринганми... Ушанда тугмали шимга биринчи марта эга бўлгандим. Шундай қилиб, уйга юрагим ҳақиқат қайтганман.

Уйимиз ёнида почтанинг радиозели бўлиб, ундан турли янгиликлар жаранглаб турарди. Бир куни қарасам, у ерда тумонат одам тўпланган ва улар: "Уруш бошланганди!" деб бир-бирига тақрорлардилар. Сен-

# Алоқалик маёғи

## Ёки нурафшонлик Жўра бобонинг ҳаётининг сабоқлари

тябрда мактабга бордим. Аммо уч кун ўқиганимдан кейин мактабимизни бошқарувчи раисга айланган бўлиб, у ерда урушда яраланган аскарларни олиб кела бошлашдик.

1942 йилда мактабдан ўқиш учун алоҳида хоналар ажратишгач, қайтадан 1-синфга бордим. Мактаб ҳовлисига симлар тортилган, унга ювилган бинтлар илинган бўларди. Ушанда санитарлар бизга қўлни тўғри ювишни ва бинт ўрашни ўргатишган. Биз – укувчилар ҳар куни тушдан кейин 20-30 тагача бинт ўрадик. Чунки урушдан яраланган қайтганларга бинт етказиб бериш қийин бўлган, шу сабабдан уларни қовиб, қайта ишлатиларди.

– Талабалик йилларингиз ва иш фаолиятингиз ҳақида сўзлаб беринг?

– Отам ҳамшира бўлгани учун мен ҳам болалигимдан тиббиётга қизиқдим. Мактабни битириб, 1954 йилда ТошМига ҳужжат топширдим. Тўлган балларим санитария факультетига етган экан, аммо мен фақат жарроҳ бўламан деб, ҳужжатларимни қайтариб олганман. Кейинги йили Тошкент шаҳридаги Охунбобоев номи тиббиёт техникуми талабаси бўлдим. 1957 йили у ерни битиргач, Ўрта Чирчиқ тумани

давлат санитария-эпидемиология нazorати марказига фельдшер бўлиб ишга кирдим. Кейин бош шифокор бўлиб ишладим. Аммо олий маълумотли бўлиш истаги кучли эди, шунинг учун Самарқанд давлат тиббиёт институтининг биология факультетини тамомладим.

Сўнг Ўрта Чирчиқ тумани ижроия қўмитаси котиби, Тошкент шаҳар Бектемир тумани ижроия қўмитаси раиси, "Қишлоқхўжалиқимиз" таъминотига қарашли "Кучлик" базаси раиси, Тўйтепа шаҳри ҳокими ҳамда Ўрта Чирчиқ туманининг Муқимий номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимларида ишладим. 2021 йилда Халқ депутатлари Нурафшон шаҳар Кенгаши котибияти мудири бўлдим. Ҳозир эса "Нуроний" жамғармасининг шаҳар бўлими бошлиғи лавозимида ишляпман.

– Давра суҳбатларида отангизнинг ўғитлари тўғрисида айтадиган сўзларга маслаҳатлар берасиз...

– Талабалик давримда отам раҳматли ёнларига ўтказиб айтган гаплари, мана етмиш йилдирки, йўлларимни ёритувчи маёғ бўлиб келяпти: "Болам, бориға шукр қилиб, доимо ҳалол ишла, ризқингни



Яратганинг ўзи етказадир". Тўғри, ҳақиқатни гапириб, кўп панд ўнганман, аммо вақт ўтиб ҳаммаси изига тушиб кетарди.

Айниқса, "Кучлик" базаси раиси бўлиб ишлаган вақтимда Гдьян ва Ивановнинг топшириқлари билан фаолиятимни кўп текширишган. Аммо ҳеч қандай камомад топшиш олмаган.

– Жўра бобо, сиз Нурафшон шаҳри ривожига оид муҳим тадбирларда доимо иштирок этгансиз. Шу йиллар ичида шаҳар қандай тарихини босиб ўтди?

– Албатта, бугунги Нурафшон (аввалги Тўйтепа) шахрининг ўзига хос тарихи бор. Илгариги номи Нукунт бўлган бу кўҳна шаҳарни илк ўрганиш ишлари 1875 йилда бошланган. Археолог Михаил Массоннинг ёзишича, бу шаҳар тепаликларда кўплаб мазорлар, сопол кўзалар, бошқа рўзгор буюмлари

топилган. Нукунт шаҳри Қанг империяси даврида Қанг-Сўқок йўналиши ўртасида вужудга келган ва ўн икки аср давомида тинчликда ривожланган. Бу ер уша даврларда иқтисодий томонлама ривожланган худуд бўлган. Манбаларга кўра, Нукунтнинг пайдо бўлиш даври 2000 йилдан кам эмас.

2017 йилнинг 24-25 август кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда сенаторлар Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳри ва Ўрта Чирчиқ тумани чегараларини ўзгартириш ҳамда Тўйтепа шаҳрининг номини Нурафшон деб ўзгартириш ҳақидаги таклифни маъқуллашди. Иллар ўтди. Ҳозирги кунда чор-атрофдаги бунёдкорликлар, кўн сайин чирой очиб бораётган шаҳар кўзни қувватлади.

Узингизга маълум, Нурафшон-

да "Ёшлар", "Депутатлар", "Зиёлилар", "Ватанпарвар", "Журналист ва медиа ходимлари" номи ўнлаб боғлар яратилди. Бу боғларда айни пайтда минглаб кўчатлар парваришланяпти. Истагим, шахримиз аҳолиси авлодларимизга мерос қолувчи мана шундай масканларни кўпайтиришсин. Очғи, баъзи маҳаллаларга бориб қолсам, ободончиликка эътибор султиги дилимни оғритади. Уз хонадонини, кўчасини обод ҳолда сақлаш ҳар бир инсоннинг вазифаси. Ҳар бир киши камиди бир туп дарахт экиб, чиқиндиларни белгиланган жойга ташлаш одатини шакллантирса, шаҳримиз озода, одамлар соғлом бўлади.

Яна бир оғриқли масала – ёшларнинг турли ижтимоий тармоқларга ҳаддан зиёд қарам бўлиб қолаётгани. Уларни шу балодан сугуриб олиб, кўпроқ китоб ўқишга жалб қилиш керак. Ҳозир асарини ёзганларга ҳисоб-китобдан савол берсам, дарров телефондаги калькуляторни ишга солади. Нафақат ёшлар, балки уларнинг ота-оналари ҳам шу матоҳга "асир". Агар бола меҳр, суҳбат ва тушунишни ота-онадан олмаса, уни бошқа жойдан: телефондан, уйиндан, ташқи муҳитдан қидиради. Шундай экан, аввало ота-оналар ўзлари фарзандларига ўрнак бўлишсин, улар учун вақт ажратиб, эътибор беришсин. Ахир, шу қорақўзлар бизнинг келажагимиз-ку?!

Жўра бобонинг ҳаётига назар ташлар эканмиз, бир ҳақиқат янада ойдинлашади: инсонни улуг қиладиган нарса – унинг лавозими ёки ёши эмас, балки ҳалоллиги, эл-юртга фойдаси тегиб ўтган умридир. Бугун тезкор замон, техника асрида яшар эканмиз, қаҳрамонимиз каби инсонларнинг ҳаётини сақловчи янада кўпроқ эҳтиёж сезамиз. Зеро, ота-онанинг ҳақ сўзи, насиҳати, болаларга берган меҳри – фарзанднинг келажаги учун энг мустаҳкам пойдевордир.

**Холида ЭГАМБЕРДИЕВА**  
суҳбатчи

Жаҳон болалар адабиёти намоёндаларини бирлаштирган, маданиятлар ўртасидаги мулоқотни мустақамлаган мазкур нуфузли анжуман Ўзбекистон болалар адабиёти учун ҳам алоҳида аҳамият касб этиб, миллий адабиётимизни халқаро майдонда кенг тарғиб қилиш ва унинг бой маънавий меросини дунё жамоатчилигига етказишда муҳим қadam бўлди.

Айниқса Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Ўзбекистон миллий стенди" мазмундорлиги, безакорлик ва китобларнинг ранг-баранглиги билан иштирокчилар эътиборини жалб қилди. Унда болалар адабиётининг энг сара намуналари, иллюстрацияли китоблар, таржималар ва замонавий асарлар кенг жамоатчиликка тақдим этилди. Бу ерда хорижлик меҳмонлар ўзбек болалар адабиётининг ўзига хос, тарбиявий ва маънавий аҳамияти билан яқиндан танишдилар.

Миллий стендада ўзбек адабиётининг ёрқин намоёндаларидан бири Ўткир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари" асари алоҳида ўрин эгаллади. Ушбу асар орқали инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва ҳаётий қадриятлар кенг ёритилгани боис, у нафақат катталарда, балки ёш китобхонларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, Ойбек Остонов томонидан амалга оширилган таржималар миллий адабиётимизнинг

## Ўзбек болалар адабиёти дунёнигоҳида



жаҳон тилларида ҳам янграшани таъминлаб, унинг қамровини янада кенгайтиришга хизмат қилди.

Замонавий болалар адабиёти вакиллари Динара Мўминова, Саида Рашидова, Феруза Назарова ҳамда Ситора Усмонованинг асарлари ҳам фестивалнинг муносиб ўрин эгаллади. Уларнинг ижоди болалар қалбига яқин, содда ва таъсирчан услубда ёзилгани, шу билан бирга, тарбиявий мазмунга эгалиги билан ажралиб туради. Айниқса, Ситора Усмонованинг ижодида болаларни эзуликка, меҳр-оқибатга, ватанпарварлик ва дўстликка ўндайдиган гоёлар устуворлик қилади.

Фестивалнинг энг ёрқин воқеаси – "Кўприк ва дўстлик" номли икки тилда яратилган китоб тақдими бўлди. Тақдимот интерактив шаклда ўтказилиб, болалар турли ўйинлар, савол-жавоблар ва ижодий машғулотлар орқали асар мазмунини англаш имконига эга бўлдилар.

Мухтасар айтганда, Берлиндаги ушбу нуфузли фестивал Ўзбекистон болалар адабиётининг халқаро майдондаги ўрни тобора мустақамланаётганини яна бир бор намоён этди. Бундай анжуманлардаги фаол иштирок миллий адабиётимизни дунёга танитиш, ёш авлод қалбига китобга меҳр уйғотиш ва уларни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, фестивал халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустақамлашга хизмат қиладиган муҳим маданий кўприк вазифини ўтайди.

Ўз мухбиримиз



## Маданият ходимлари эъзозланди

Тадбирда халқ оғзаки ижоди, фольклор санъати, анъанавий ва замонавий йўналишларнинг уйғунлиги масаласига ҳам эътибор қаратилди. Зеро, миллий маданиятни асраб-авайлаш билан бирга уни замон талаблари асосида ривожлантириш – бугунги глобаллашув даврининг муҳим вазифаларидан биридир. Шу маънода, маданият соҳаси ходимларининг зиммасига катта масъулият юклатилиши таъкидланди.

Шунингдек, маросимда узоқ йиллар соҳада самарали меҳнат қилиб келаётган, ўзининг фидойилиги, истеъдоди ва ташаббускорлиги билан намуна бўла олган бир гуруҳ маданият ва санъат ходимлари фахрий ёрлик, ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Байрам тадбири доирасида Касаба уюшмалари Тошкент вилояти кенгаши томонидан 50 нафар санъат фидокорига Хоразм вилоятига

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

саёҳат йўлланмаси топширилди. Бу санъат аҳлининг меҳнатини қадрлаш ҳамда уларнинг дами олиши ва янги таассуротлар орттириши учун яратилаётган имкониятларнинг яна бир ифодасидир.

Тадбир давомида таниқли санъат усталари, фольклор жамоалари ҳамда ёш ижроичилар томонидан янграган куй-қўшиқлар, миллий ва замонавий рақслар, театрлаштирилган саҳна кўринишлари ийгиликларга хуш кайфият улашди.

Айниқса, миллий анъаналар ва замонавий санъат уйғунлигида саҳналаштирилган чиқишлар томошабинларда ўзгача таассурот қолдирди. Бу миллий маданиятимизнинг нақадар бой ва ранг-баранг экани, унинг замон билан ҳамнафас ривожланиб бораётганини яна бир бор намоён этди.

Ўткир ҲОШИМОВ,  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири  
Жалопиддин ЭСОНОВ  
олган суратлар



TOSHKENT HAQIQATI  
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT  
VILOYATI  
HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va  
"Tashkentskaya pravda"  
gazetalari tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV  
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Abduvosit ABDURAZZOQOV

Mahmud TOIR

Azamat MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Otabek SULTONBEKOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir o'rinbosari,  
nashr uchun mas'ul:  
Suhrobjon SADIROV  
Mas'ul kotib:  
Alloma AZIZOVA  
Navbatchi:  
Zikrilla MUHAMMAD  
Ekspeditor:  
Behruz NURBOBOYEV

Qabulxona:  
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:  
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:  
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:  
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:  
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Bosishga topshirish vaqti – 20.00.

Bosishga topshirildi – 19.00.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-435.

8 378 na xadacha chop etildi.

Hajmi – 2 ta boq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida  
2011-yil 12-yanvarda  
03-001 raqami bilan  
ro'yxatga olingan.

Manzil:  
111500, Nurafshon shahri,  
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.  
Toshkent shahridagi  
ofsimiz: Bektemir tumani,  
Ittifoq ko'chasi, 2.  
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»  
tahririyati kompyuter markazida  
terildi va Tahir Mahmudxo'jayev  
tomonidan sahifalandi.

Haftaning  
chorshanba va shanba  
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida bosildi.  
Korxonasi manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

## ▼ 26-aprel – Muhammad YUSUF tavallud topgan kun

# YOMG'IRLAR OSTIDA TUG'ILGAN SHYE'RIYAT...

Chirchiq shahrida joylashgan harbiy qismda o'zbek xalqining sevimli farzandi, O'zbekiston xalq shoiri Muhammad Yusuf tavalludining 72 yilligi munosabati bilan ma'naviy-ma'rifiy tadbir bo'lib o'tdi.

Uchrashuvda shoirning rafiqasi, shoira, "Fidokorona mehnatlari uchun" ordeni sohibi Nazira As-Salom, O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi a'zosi, "Do'stlik" ordeni sohibi Ma'murjon Bozoraliyev, o'quvchi yoshlar hamda harbiy xizmatchilar ishtirok etdilar.

Tadbirda so'zga chiqqanlar shoirning hayoti va ijodi, uning xalq qalbidan joy olgan she'rlari hamda umrining so'nggi lahzalari bog'liq xotiralar bilan o'rtoqlashdilar.

– Muhammad Yusuf faqatgina shoir emas, balki xalqning dardi, orzu-istaklarini qalamga solgan yurak egasidir, – dedi Ma'murjon Bozoraliyev. – Uning she'rlari yomg'irdek pokiza, tabiat kabi samimiy va inson qalbi yanglig' beqiyosdir. Bunday ma'naviy tadbirlar yosh avlod qalbidan vatanparvarlik, adabiyotga muhabbat va inson qadriyatini anglash tuyg'ularini yanada mustahkamlaydi.

Shuningdek, adabiy kechada o'quvchi qizlar tomo-

nidan shoir qalamiga mansub she'rlardan parchalar o'qildi. Harbiy xizmatchilar esa Muhammad Yusuf she'rlariga bastalangan qo'shiqlarni ijro etib, tadbirga alohida ruh bag'ishladilar. Uchrashuv yakunida ishtirokchilar o'zlarini qiziqtirgan savollarga batafsil javob oldilar va shoir ijodiga bo'lgan muhabbatlarini yanada mustahkamlaydi.

Musavviraxon TOHIRXONOVA,  
Oriental universiteti  
1-bosqich talabasi



## ▼ "Ҳақиқат" чойхонаси

Деразадан тушиб турган қуёш нури кесак қисган қовундек чўзинчоқ бошни ялтиратиб, хонани янада нурафшон қилиб турарди. Дераздага қарама-қарши ўтирган бўлим мудирини Каром Саломовнинг эшикнинг амирини этакдек "ғарч" этган товушидан хаёли бўлинди. Эшикдан мўралаган кишининг чеҳраси таниш бўлса керак, ялтироқ бошини силлаганча зўраки жилмайди.

– О, яна сизми? – У меҳмонни ичкарига киришга ундади. – Бизга бирор нарса олиб келганга ўхшайсиз?  
– Ҳа, – деди "меҳмон", туман газетасида ижодий машқлари билан қатнашиб турадиган зоология ўқитувчиси Шамсиддин Қўлдошев қўлидаги елим халтадан бир варақ қозони олиб Саломовга узатаркан, – битта масал олиб келувдим, домла. Шунинг билан назардан ўтказиб... Маъқул келса...

Бир пайтлар қуюқ сочини орқага тарайвериб, ўрганиш бўлиб қолган одати бўйича Саломов силлиқ бошини силади ва "ўтиринг" деб, масални ўқишга тутинди.

– Қизилиштон?! – деди у бир қозога, бир муаллифга қараб. – Бу нима, сарлавҳами? – Муаллифнинг жавобини кутмай давом этди. – Бу билан нима демоқчисиз?

Туйқус берилган савол муаллифини гангиб қўйди. Нима деб

жавоб беришни билолмай қаловланди.  
– Ҳеч нима демоқчимасман.  
– Ҳеч нима демоқчи эмас экан-деса, нимага бу масални ёздигиз?  
– Йўқ, нимага... Мен саволингизга тушунмадим.

– Демокчиманки, "Қизилиштон" билан нима демоқчисиз? Нимага энди, оқиштон ёки қуқиштон ҳақида эмас, айнан қизилиштон ҳақида ёздигиз? Бир нимага шаъма қилаясизми ё?  
– Қушнинг номи шунақа бўлгандан кейин...  
– Эй, ҳа, – деди Саломов ўзини билагонликка олиб. – Ҳа, ҳа, билиб турибман қушлигини, лекин шу ранг ёқмай турибди-да. Иштоннинг рангини сал ўзгартирсан силлиқроқ бўлармиди, демоқчиман-да. Ўзи қушга иштон кийгизиб нима қилардингиз?..

– Қизилиштон – бу қушнинг номи, – деди муаллиф фикрини дона-дона

на қилиб. – Минг йил олдин ҳам бу қушнинг номи шунақа бўлган, минг йилдан кейин ҳам шунақа бўлиб қолади... Йўқ, рангини ўзгартариб бўлмайди. Табиат яратган ранг бу!..

Саломов муаллифнинг ҳаяжонини босмоқчи бўлди.  
– Мен бир нима деяётганим йўқ. Сизнинг фикрингиз тўғридир. Май-

яна ўзингиз биласиз...

– Бўлмайди-да, эй, – деди муаллиф "қайтариб беринг" дегандек қўл чўзаркан. – Қаредда эшитганисиз "Жигаррангиштон" деган қушни? Бунақа қуш йўқлигини ҳамма билади-ку...

– Жа ўжар экансиз! Яхши, – деди Саломов муаллифга ён бергандек ўрнидан тураркан. – Сизнингча бўла қолсин. Қизилиштон бўлса, қизилиштон-да! Лекин битта шарт бор. Ўзингиз масални бош муҳаррирга олиб кириб,

– Яхши материал экан-ку, – деди у масални ўқиб-ўқимай. – "Маданият ва адабиёт бўлими"га кирмадингизми?  
– Қирдим.  
– Нима дейишди?  
– Уларга сарлавҳа ёқмай турибди, – деди муаллиф, оғирлигини ўнг оёғидан чап оёғига ташларкан. – Бу бир қушнинг номи бўлса, билмадим, нимаси ёқмади у кишига! Рангини ўзгартирайлик, помидорнинг эмас, бодрингнинг ранги бўла қолсин, деган гапни қилаятилар...

Бўстон Қораев масалнинг сарлавҳасига энди синчиклаб қаради.  
– Ҳа, ҳа, сарлавҳаси ғалати экан. Қизилиштон. Ростанам ғалати! Ҳақиқатан ҳам, нимага иштони қизил?  
– Ахир, бу қушнинг номи-ку!  
– Э, бу ҳали қушми?.. Майли, майли, қушни қолдиринглар-да, иштонини олиб ташланглар.

Муаллиф тамоман гангиб қолган эди. Бош муҳаррир масални қайтариб бераркан, яна такрорлади:

– Шундай қилинган! Манг, Каром Саломга ташлаб ўтинг, кейинги номерга тайёрлаб беради.

Муаллифнинг тиззалари қалтиради. Қўз олди қоронғилашиб, боши айланди. Бош муҳаррирнинг қўлидан масални оларкан, чайқалганча йўлакка чиқди ва "Маданият ва адабиёт бўлими" деб ёзилган эшикка бир қараб олди-да, сўнг шахдам қаддам билан кўчага чиқиб кетди.

Илҳом ЗОИР

# Қизилиштон

(Ҳажвия)



ли, сиз айтганча бўлсин. Қуш қушлигича қолаверсин. Шу... иштоннинг рангини озгина тахир қилсак, деган тақлиф берялман, холос. Майли, оқ ҳам, қўқ ҳам бўлмасин, шу қизилга яқинроқ – жигарранг бўла қолсин. Мантйқ ҳам бузилмайди шунда...

розилқларини олиб чиқасиз. Мени бунақа "спорный" материалларни ўзимча қабул қилиб, кейин гап эшитиб юришга тоқатим йўқ.

Бош муҳаррир Бўстон Қораев Шамсиддин Қўлдошевни очик чеҳра билан қутиб олди.